

ЭПИДЕМИЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТАРИХИДАН

(А.Д.Грековнинг илмий фаолияти мисолида)

*Алихожиев Муҳаммаджон Одилжон ўғли, З.М.Бобур
номидаги Андижон давлат университети доценти, тарих
фенлари номзоди*

FROM THE HISTORY OF THE FIGHT AGAINST EPIDEMICS

(as an example of the scientific activity of A.D. Grekov)

*Alikhojiev Muhammadjon Odiljon ugli, Docent of Andizhan State
University named after Z.M. Babur, Candidate of Historical
Sciences*

ИЗ ИСТОРИИ БОРЬБЫ С ЭПИДЕМИЯМИ (На примере научной деятельности А.Д. Грекова)

*Алихожиев Муҳаммаджон Одилжон оғлы, доцент
Андижанского государственного университета имени
З.М.Бабура, кандидат исторических наук*

Аннотация: Уибу мақолада Алексей Дмитриевич Грековнинг ҳаёти ва илмий фаолияти таҳлил этилган. Унинг юқумли касалликларга қарши курашда амалга оширган инновацион тадқиқотлари, шунингдек, илмий муассасаларни ташкил этишидаги ташаббускорлиги ёритилган.

Мақола А.Д.Грековнинг шахсий ва касбий ҳаётини, унинг жамоат соглигини яхшилашдаги фаолиятини ҳамда бугунги кундаги илмий меросининг аҳамиятини таҳлил қилишига қаратилган.

Калим сўзлар: юқумли касалликлар, вабо, безгак, ўлат, профилактика, ҳарбий-санитария, бактериология, госпитал, тиббий кадрлар, фельдшер.

Abstract: In this article analyzed the life and scientific activity of Aleksey Dmitrievich Grekov. His innovative research in the fight against infectious diseases, as well as his initiative in the establishment of scientific institutions were highlighted.

The article aims to analyze A.D.Grekov's personal and professional life, his work in public health improvement and the importance of his scientific legacy nowadays.

Key words: infectious diseases, cholera, malaria, pestilence, prevention, military sanitary, bacteriology, hospital, medical personnel, paramedic.

Аннотация: В данной статье анализируются жизнь и научная деятельность Алексея Дмитриевича Грекова. Освещены его инновационные исследования в борьбе с инфекционными заболеваниями, а также инициативы по созданию научных учреждений.

Статья посвящена изучению личной и профессиональной жизни А.Д.Грекова, его деятельности по улучшению общественного здравоохранения и значению его научного наследия в современном мире.

Ключевые слова: инфекционные заболевания, холера, малярия, чума, профилактика, военная-санитария, бактериология, госпитал, медицинские кадры, фельдшер.

КИРИШ. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошида Туркистон минтақаси жадал ижтимоий, иқтисодий ва демографик

ўзгаришлар даврида кўплаб қийинчиликлар билан юзма-юз келди. Бу даврда вабо, безгак, ўлат, чечак, ичбуруғ ва бошқа кўплаб



[https://orcid.org/0009-0004-
1793-4704](https://orcid.org/0009-0004-1793-4704)

e-mail: Mualtn@mail.ru

эпидемиялар минтақада кенг тарқалиб, ахоли саломатлиги учун жиiddий хавф туғдирди. Бу оғатларни бартараф этишда санитария ва эпидемиология соҳасида фаолият юритган шифокор олимларнинг ҳиссаси бекиёс бўлди. Улар эпидемияларга қарши курашда илмий асосланган усулларни ишлаб чиқиши билан бирга инсон саломатлиги учун муҳим бўлган профилактик тадбирларни жорий этишдан тортиб, минтақада санитария шароитини яхшилашга қаратилган амалий чора-тадбирларни ҳам амалга оширдилар. Бу борада профессор Алексей Дмитриевич Грековнинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У минтақавий бактериологиянинг асосчиларидан бири сифатида турли инфекцияларга қарши самарали тадқиқотлар ўтказиб, бактериология институти фаолиятини муваффақиятли ташкил қилди ва бошқарди.

УСУЛЛАР. Мақолада қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун тарихийлик, тизимлилик, муаммовий-хронологик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА. А.Д.Греков Ростов вилояти Новочеркаск шаҳрида 1873 йилда туғилган. А.Д.Греков Ҳарбий-тиббиёт академиясини аъло баҳолар билан тамомлайди. У ўз иш фаолиятини 1898 йилда Туркистоннинг Каспийорти вилоятидаги Марв уездиде кичик ҳарбий госпиталда ёш шифокор сифатида бошлайди. Шу даврда (1893-1902 йиллар) минтақа майярия эпидемияси билан курашаётган эди. Касалликни ташхислаш ва унинг кечишини ўрганиш мақсадида А.Д.Греков госпитал ҳузурида кичик лаборатория ташкил қилди. Микробиологик тадқиқотлар борасидаги унинг илмий фаолияти айнан шу лабораториядан бошланди[1].

1899 йилда Греков Бухоронинг санитария ҳолатини ва юкумли касалликларнинг тарқалиш сабабларини бевосита ўрганиш ва эпидемияларнинг олдини олиш мақсадида шаҳарга ташриф буюрди. Греков Бухоро санитариясининг қониқарсиз ҳолатининг асосий сабабларидан бири — шахар ичидағи қабристонлардир деб кўрсатади ва шундай деб ёзди: 1899 йилда шаҳарга ташриф буюрган ўлатга қарши экспедиция врачи Греков шундай ёзган эди: “Қабристон майдони кўпинча шаҳарнинг ўз майдонидан катта бўлади ва қабристонлардаги қабрлар ниҳоятда зич

жойлашган”. Шаҳарда ҳаво ўлиқ таналар ҳидидан шунчалик тўлиб кетардики, баъзида нафас олиш қийинлашарди. Кўпроқ одамлар, касаллик туфайли ўлиб қолганларнинг сони ортиши билан вазият янада оғирлашди[2].

Бухоронинг санитария ҳолатини кўздан кечиришда А.Д.Грековнинг роли катта бўлган. Ички қабристонларни ёпиб, шаҳардан ташқарида янги қабристонлар очишни сўрашганида, руҳонийлар раҳбари – қозикалон шундай жавоб берган эди: “Шаҳардаги кўплаб қабристонлар алоҳида шахсларнинг мулкидир, уларнинг оталари ва боболари шу ерда дафн этилган, шунинг учун уларнинг ўликларини бу ерда кўмишга руҳсат беришни тақиқлаш мумкин эмас[3]”.

Алексей Дмитриевич Греков ўзининг тиббиёт соҳасидаги фаолиятини юқори даражада ривожлантириш мақсадида бир неча йил Марвда шифокор сифатида фаолият кўрсатгандан сўнг, малакасини ошириш учун Санкт-Петербургга боради ҳамда у Россиянинг энг нуфузли тиббиёт мактабларидан бири – Ҳарбий-тиббиёт академиясида ўқиши ва илмий тадқиқотлар олиб бориши имкониятига эга бўлади. Бу давр унинг илмий ва амалий тажрибасини янада бойитган муҳим босқичлардан бири бўлган.

Греков Сиротининнинг терапия клиникасида ишлаб, ички касалликларнинг ташхиси ва даволаши бўйича назарий билимларини янада чукурлаштириди ҳамда клиник амалиётда кўплаб қимматли тажрибалар ортириди. У шу даврда илмий тадқиқотчилик қобилияtlарини намоён қилиб, ўзининг биринчи йирик илмий тадқиқотини амалга оширди. Бунинг натижасида 1907 йилда А.Д.Греков «Клинические наблюдения над действием кислого молока И.И.Мечникова при кишечных заболеваниях» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Бу унинг илмий фаолиятидаги муҳим қадам бўлиб, уни юқори малакали мутахассис сифатида танилди. Докторлик диссертациясини химоя қилгандан сўнг, Греков яна Туркистонга қайтишга қарор қилди.

У Пишпек ҳарбий госпиталида иш бошлайди ва у ерда бактериологик лаборатория ташкил қилди. 1911 йилда у Тошкентга хизматга кўчирилди ва Тошкент ҳарбий госпиталининг катта ординатори бўлди[4]. У бу ерда ҳам

юқумли ва паразитар касалликларни ўрганиш бўйича изланишларни давом эттириди.

А.Д.Греков XX асрнинг бошида вабо (холера) эпидемияларига қарши курашда жаҳон миқёсида эътибор қозонган тиббиёт мутахассисларидан бири бўлиб, Эрондаги 1912 йилдаги фаолияти унинг эпидемиология соҳасидаги етуклигини намоён қилган. Унинг вабо эпидемиясини жиловлашдаги сайд-харакатлари нафақат Эронда, балки кейинчалик Россияда ва бошқа давлатларда эпидемияга қарши тадбирларни самарали ташкил этишда асос бўлган. Греков бир неча бор Россия ва унинг ташқарисида вабога қарши экспедицияларга муваффақиятли раҳбарлик килди.

1914 йилда Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Тошкентдаги госпиталга австриялик ва чехиялик асирлар кела бошлади. Тез орада Тошкентда ҳарбий эпидемиологик госпитал ташкил этилди, унда ҳарбий асир шифокорлар ишладилар, Алексей Дмитриевич Греков эса ушбу госпиталнинг бош шифокори этиб тайинланди[1].

1917 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳар думасининг катта залида Туркистон ҳарбий-санитария ходимларининг биринчи минтақавий қурултойи очилди. Унинг ишида 116 нафар делегат, жумладан, 32 нафар шифокор, 10 нафар фармацевт, 49 нафар фельдшер, 5 нафар меҳрибонлик опалари, шунингдек, турли идораларнинг бир нечта амалдорлари ва ходимлари иштирок этилди[5.С.196]. Ташкилий бюро раиси, доктор Н.Ф.Баранкин қурултойни очар экан, ҳозирги ҳолатни тавсифлаб, устувор вазифалар сифатида қўйидагиларни санаб ўтди: ҳарбий-санитария идорасида коллегial бошқарув ёки ўзини ўзи бошқариш органларини яратиш; санитария ишини ҳам қўшин қисмларида, ҳам даволаш муассасаларида тубдан қайта ташкил этиш; барча ҳарбий-санитария ходимларининг хукуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилаш[6]. Минтақада тиббий ишларни ташкил этиш учун қурултой ҳарбий-санитария бошқармасининг янги таркибини сайлади. Худудий ҳарбий-санитария инспектори лавозимига шифокор М.П.Тихомиров тайинланиб, унинг ўринбосари эса шифокор А.Д.Греков бўлди. Бошқарма аъзолари қўйидагилардан иборат эди: шифокорлар А.В.Трапезников, Н.Ф.Баранкин,

И.Минкевич, Зимин, А.П.Спиридонов, санитар Устименко, фармацевт В.П.Карпов, фельдшерлар Водолазко ва Курянцев. Аъзолика номзод сифатида шифокорлар А.П.Березский, Ионов, Шнейдер, Бронштейн ва А.Ф.Каплан танланди[5. С.197].

1918 йилнинг 17 сентябрида Тошкент ҳарбий госпиталининг кимёвий лабораторияси ва Пастеров станцияси асосида янги илмий муассаса — Бактериология институти ташкил этилди. Бу институт ўша вақтдаги минтақа соғлиқни сақлаш тизими ва илмий тараққиёти учун муҳим қадам эди. Институтнинг ташкил этилиши эпидемияларга қарши кураш, жамоат соғлиғини яхшилаш ва микробиология соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришда катта аҳамият касб этиди. Институт директорлигига Александр Дмитриевич Греков тайинланди[7]. Бактериология институтида ўша давр учун замонавий ҳисобланган лаборатория ускуналари ўрнатилди ва микробиология ҳамда иммунология бўйича тадқиқотлар йўлга кўйилди. А.Д.Греков раҳбарлигига институт нафақат илмий тадқиқот маркази, балки юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган ўкув маскани сифатида ҳам фаолият юритди. Бактериология институтининг ташкил этилиши ва унинг илмий фаолияти кейинги йилларда минтақа тиббиётининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатди. Ушбу муассаса орқали жамоат соғлиғига оид кўплаб янги усул ва қадамлар жорий этилди, шунингдек, бу соҳа мутахассислари учун муҳим илмий асос яратилди.

1918 йилда Туркистон ўлкасида тиббий кадрларга бўлган талаб жуда юқори даражада эди. Минтақадаги оғир санитария шароити юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келган. Бундай ҳолатда тиббий ходимларга, айниқса, ҳамшира ва фельдшерларга бўлган эҳтиёж жуда катта эди. Шу сабабли, 1918 йилнинг кузида Туркистон ҳудудида биринчи тиббиёт ўкув юрти ташкил этилди. Бу ўкув юртининг асосий мақсади тезкор равишда тиббий кадрларни тайёрлаш орқали эпидемиялар, жумладан, малярия, ўлат ва бошқа юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш бўлган. Ўкув юртида Греков микробиологиядан, Войно-Ясенецкий эса анатомиядан дарс беради[1].

Греков микробиология фанидан олган билимларини амалиётда қўллаш, яъни инфекцияларни профилактика қилиш ва заарланган худудларда санитария тадбирларини ўтказиш бўйича ўқувчиларга кўнкма берган.

Греков ва Войно-Ясенецкий, ҳар бири ўз соҳасида етук мутахассис сифатида, ўқувчиларга тиббиётнинг турли жабҳаларида мукаммал билим беришда ҳамкорлик қилган. Улар ўқув юртининг ўқув дастурини янада самарали қилиш учун янги ёндашувлар ва услубларни жорий қилишда қатнашган. Бу икки олимнинг ўзаро ҳамкорлиги ўқув ютида тайёрланган мутахассисларнинг юқори сифатли тайёргарлигини таъминлаган.

1919 йил 25 июнь куни Ташкилий қўмита РСФСР Маориф ҳалқ комиссариати университетлар бўлимига “Туркистон давлат университети таркибида тиббиёт факультетини ташкил этиш зарурати ҳақида” деб номланган хатни йўллади[8]. Тиббиёт факультетини ташкил этиш зарурати, аввало, минтақанинг иқлим шароити ва юқумли касалликлар кўплиги билан асосланган. Иккинчидан, шифобахш ўсимлик воситалари мавжудлиги билан боғлиқ. Учинчидан, мавжуд санаторий худудлари (жумладан, Оқ-Сикент, Арасан, Оқ-Сув, Жалолобод ва бошқалар) борлиги билан изоҳланган[5.С.207].

Греков нафақат амалиёт шифокори ва юқумли касалликларга қарши кураш бўйича ташаббускор, балки тиббиёт илмининг тараққиётига хизмат қилувчи турли илмий манбаларни яратища ҳам фаол иштирок этган. Бу борада унинг университет тиббиёт факультети биринчи декани П.П.Ситковский билан биргалиқда “Медицинская мысль Узбекистана” журналига асос солгани ва биринчи масъул муҳаррири бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур журнал минтақада тиббиёт соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотларни ёритувчи асосий платформа сифатида ташкил этилган. Бу журналнинг мақсади тиббий ходимлар ўртасида илмий тажриба алмашинувини рағбатлантириш, янги тиббий ютуқ ва изланишлар ҳақида маълумот бериш, шунингдек, аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган тадбирларни илгари суриш бўлган.

Журналда турли юкумли касалликлар, санитария ва гигиена каби ўша давр учун долзарб мавзулар ёритиб борилган. Шунингдек, тиббий статистика ва жамоат саломатлиги соҳаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

1918 йилда Тошкентдаги ҳарбий госпитал хузуридаги Бактериология лабораторияси Туркистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳалқ комиссариати хузуридаги Микробиология лабораториясига айлантирилди, унинг мудири этиб А.Д.Греков тайинланди. Кейинчалик ушбу лаборатория негизида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ҳалқ комиссариати Санитария-бактериология институти ташкил этилди ва унинг биринчи директори А.Д.Греков бўлди.

Минтақада эпидемияларга қарши курашни ташкил этиш учун маҳаллий ҳукумат ва тиббиёт ходимлари томонидан мунтазам равишда турли йигилиш ва қурултойлар ташкил қилинган. Бу йиғинларда касалликнинг олдини олиш, ташхис қилиш, даволаш ва профилактика тадбирлари юзасидан кенг муҳокамалар ўтказилган. Шундай қурултойлардан бири 1922 йил октябрь ойида Тошкентда ўтказилди. Бу Туркистон шифокорларининг ўлка патологияси муаммоларига бағишлиланган биринчи илмий қурултой бўлиб, унда А.Д.Греков фаол иштирок этди. Греков безгакка қарши курашишни қонун ва давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш учун қатор ташаббусларни илгари сурган. Унинг саъи-ҳаракатлари билан безгакнинг тарқалиш манбалари, чивинлар билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Греков бу эпидемияга қарши курашиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қилди. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қўмаги билан мазкур амалий ишга минглаб меҳнат армияси иштирокчилари жалб этилди. Улар ботқоқ худудларни қуритиш ва чивинларнинг личинкаларини йўқ қилиш ишларини амалга оширидилар.

1924 йилда Оққамишда ўлат (чума) эпидемиясининг тарқалиши Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий вазиятини ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ҳолатини жиддий синовдан ўтказади. Оққамиш эпидемиясига қарши курашда врач эпидемиологларнинг фавқулодда ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу курашда врач Грековнинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқдир. Шунингдек, Греков 1925 йил 10-15 ноябрь кунлари эса Эски Бухорода

ўтказилган малярия бўйича кенгашда қатнашди ва безгак касаллигига қарши курашда яна бир бор ўзининг юқори малакали тиббий ва илмий тажрибасини намойиш этди[1]. Грековнинг фаолияти фақат тиббий ёрдам бериш билан чекланмаган, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кенг кўламли эпидемиологик тадбирларни ҳам қамраб олган. Бухорода безгак касаллигининг тарқалишига қарши курашища Грековнинг фаолияти нафақат тиббий, балки иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам аҳамиятга эга бўлди. Унинг кўрсатмалари, таклифлари ва амалга оширган ишлари Бухорода эпидемияларга қарши курашда муҳим ҳисса қўшди.

1957 йил 30 июль куни ўз ҳаётини тиббиёт, микробиология ва эпидемиология соҳаларига бағишилаган буюк олим ва ташкилотчи сифатида тарихда ўчмас из қолдирган Алексей Дмитриевич Греков вафот этади.

ХУЛОСА. Алексей Дмитриевич Грековнинг ҳаёти ва фаолияти Марказий Осиё тиббиёти ривожланиши тарихида алоҳида ўрин тутди. Унинг илмий тадқиқотлари, ташаббускорлик фаолияти ва ташкилотчилик қобилияти юқумли касалликларга қарши кураш ўйлида асосий пойdevor бўлиб хизмат қилди. Греков раҳбарлигида ташкил этилган Бактериология институти нафақат минтақадаги илмий марказга, балки бутун бир авлод шифокор

ва олимларини етиштирган ўқув масканига айланди.

Унинг фаолияти нафақат илмий аҳамиятга эга бўлиб, балки жамоат соғлиғини яхшилашда, эпидемияларнинг олдини олишда ва кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишда муҳим роль ўйнади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вавилова Т. Греков А.Д. – основоположник микробиологии в Средней Азии. <https://mytashkent.uz/2012/03/29/a-d-grekov-osnovopolozhnik-mikrobiologii-v-sredneye-azii/#more-30224>
2. Греков И.И. Бухара и её санитарное состояние // Врач. – Москва, 1899. – №19. – С.555.
3. Ўз МА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 118-иш, 211-варақ оркаси.
4. Ўз МА, Р. 2405-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 70-варақ.
5. Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана, Бухары и Хорезма (1865-1924 гг.) – Тараз: Туркістан тұлғалары, 2015.
6. Труды 1-го Краевого съезда военно–санитарных чинов Туркестанского военного круга.–Ташкент: тип. Г.А.Ицкина, 1917. – С.5.
7. Ўз МА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 332-иш, 42-варақ.
8. Ўз МА, Р-368-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 6-варақ.

